

## 4. БОШҚА ЖАҲОН НАШРИЁТЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ

### 4.1. OXFORD UNIVERSITY PRESS

#### Компания ҳақида қисқача тарихий маълумотнома

Oxford University Press нашриёти –Оксфорд университетининг бўлинмаси бўлиб, 1478 йилдан бошлаб фаолият кўрсатади. Унинг фаолияти дунё бўйлаб илмий нашрлар орқали таълимни ва илмий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган. Oxford University Press ҳар хил турдаги ташкилотларнинг, шу жумладан, илмий, давлат, корпоратив, тиббий, ҳуқуқий кутубхоналарнинг фойдаланувчиларига электрон ресурслардан эркин фойдаланиш имкониятини беради. Нашриёт ресурсларидан фойдаланувчиларнинг асосий қисми тиббий ва гуманитар фанлар бўйича ихтисослашган олий ўқув юртларининг талабаларидан ва тадқиқотчиларидан иборат.

#### Ресурсларнинг қисқача шарҳи

Қуйида илм-фан соҳаларига мувофиқ равишда Oxford University press нашриётидаги таълимий ресурслар базаларининг рўйхати берилган:

#### Санъат ва архитектура

*Benezit Dictionary of Artists*

*Berg Fashion Library*

*Grove Art Online*

*Oxford Bibliographies*

*Oxford Journals Humanities Collection*

*Very Short Introductions Online*

#### Биографик нашрлар

*Oxford Dictionary of National Biography*

*Who's Who and Who Was Who Online*

*Very Short Introductions Online*

#### Бизнесва бошқарув

*International Commercial Arbitration*

*International Commercial Law*

*Oxford Bibliographies*

*Oxford Handbooks Online*

*University Press Scholarship Online*

*Very Short Introductions Online*

#### Қадимги дунё тарихи ва археология

*Oxford Bibliographies*

*Oxford Handbooks Online*

*Oxford Journals Humanities Collection*

*University Press Scholarship Online*

*Very Short Introductions Online*

#### Иқтисод ва молия

*Oxford Handbooks Online*

*Oxford Journals Social Sciences*

*Collection*

*Oxford Scholarly Editions Online*

*University Press Scholarship Online*

*Very Short Introductions*

#### Таълим ва педагогика

*Oxford Bibliographies*

*University Press Scholarship Online*

*Very Short Introductions Online*

### Тарих

<i>Electronic Enlightenment</i>	<i>Oxford Journals Humanities Collection</i>
<i>Oxford Bibliographies</i>	<i>Oxford Reference</i>
<i>Oxford Dictionary of National Biography</i>	<i>Oxford Scholarly Editions Online</i>
<i>Oxford Handbooks Online</i>	<i>University Press Scholarship Online</i>
<i>Oxford Historical Treaties</i>	<i>Very Short Introductions Online</i>
<i>Oxford History of Western Music</i>	<i>Who's Who and Who Was Who Online</i>

### Тилшунослик ва хорижий тиллар

<i>Oxford Bibliographies</i>	<i>Oxford Reference</i>
<i>Oxford Dictionaries</i>	<i>Oxford Scholarly Editions Online</i>
<i>Oxford English Dictionary</i>	<i>University Press Scholarship Online</i>
<i>Oxford Handbooks Online</i>	<i>Very Short Introductions Online</i>
<i>Oxford Journals Humanities Collection</i>	

### Хуқуқшунослик ва ҳуқуқ

<i>Financial and Banking La</i>	<i>Oxford Historical Treaties</i>
<i>International Commercial Arbitration</i>	<i>Oxford Journals Law Collection</i>
<i>International Commercial Law</i>	<i>Oxford Reports on International Law</i>
<i>Investment Claims</i>	<i>Oxford Scholarly Authorities on</i>
<i>Max Planck Encyclopedia of Public</i>	<i>International Law</i>
<i>International Law</i>	<i>Private International Law</i>
<i>Oxford Bibliographies</i>	<i>University Press Scholarship Online</i>
<i>Oxford Competition Law</i>	<i>US Constitution Law</i>
<i>Oxford Constitutions of the World</i>	<i>Very Short Introductions Online</i>
<i>Oxford Handbooks Online</i>	

### Адабиёт

<i>Electronic Enlightenment</i>	<i>Oxford Reference</i>
<i>Oxford Bibliographies</i>	<i>Oxford Scholarly Editions Online</i>
<i>Oxford Handbooks Online</i>	<i>University Press Scholarship Online</i>
<i>Oxford Journals Humanities Collection</i>	<i>Very Short Introductions Online</i>

### Математика ва табиий фанлар

<i>Electronic Enlightenment</i>	<i>Oxford Reference</i>
<i>Oxford Bibliographies</i>	<i>University Press Scholarship Online</i>
<i>Oxford Handbooks Online</i>	<i>Very Short Introductions Online</i>
<i>Oxford Journals Mathematics and</i>	
<i>Physical Sciences Collections</i>	

### Тиббиёт

<i>AMA Manual of Style</i>	<i>Oxford Medicine Online</i>
<i>Mayo Clinic Toolkit</i>	<i>University Press Scholarship Online</i>
<i>Oxford Journals Medicine Collection</i>	<i>Very Short Introductions Online</i>

### Музыка

*Oxford Bibliographies*  
*Oxford Handbooks Online*  
*Oxford History of Western Music*  
*Oxford Journals Humanities Collection*

*Oxford Scholarly Editions Online*  
*Grove Music Online*  
*University Press Scholarship Online*  
*Very Short Introductions Online*

### Фалсафа

*Electronic Enlightenment*  
*Oxford Bibliographies*  
*Oxford Handbooks Online*  
*Oxford Islamic Studies Online*  
*Oxford Journals Humanities Collection*

*Oxford Reference*  
*Oxford Scholarly Editions Online*  
*University Press Scholarship Online*  
*VeryShortIntroductionsOnline*

### Сиёсатшунослик, Дипломатия, Ҳалқаро муносабатлар

*Electronic Enlightenment*  
*Max Planck Encyclopedia of Public  
International Law*  
*Oxford Bibliographies*  
*Oxford Historical Treaties*  
*Oxford Islamic Studies Online*

*Oxford Journals Social  
Sciences Collection*  
*SIPRI Yearbook Online*  
*University Press Scholarship Online*  
*Very Short Introductions Online*  
*Who's Who and Who Was Who Online*

### Психология ва нейробиология

*Oxford Bibliographies*  
*Oxford Clinical Psychology*  
*Oxford Handbooks Online*  
*Oxford Journals Mathematics, Physical*

*Sciences, and Medicine Collections*  
*Oxford Medicine Online*  
*University Press Scholarship Online*  
*Very Short Introductions Online*

### Ижтимоий фанлар

*Berg Fashion Library*  
*Encyclopedia of Social Work*  
*Oxford Bibliographies*  
*Oxford Handbooks Online*  
*Oxford Islamic Studies Online*  
*Oxford Journals in Social Sciences*

*Oxford Reference*  
*SIPRI Yearbook Online*  
*Social Explorer*  
*University Press Scholarship Online*  
*VeryShortIntroductionsOnline*

*Oxford Journals Collection*– 1996 йилдан бошлаб чоп этилган 285 нашрларни ўз ичига олган илмий журналларнинг тўплами бўлиб, сифатли ва фойдали маълумотларни тақдим этади. 1996 йилгача чоп этилган журналлар *Oxford Journals Archive* базасида мавжуд. Ҳуқуқшуносликга, Гуманитар фанларга, Тиббий-биологик фанларга, Математика ва табиий фанларга, Ижтимоий фанларга доир соҳаларни қамраб олган журналлар кенг қўламдаги долзарб тадқиқотлардан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

*Oxford Handbooks Online (OHO)*- ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича шарҳланган мақолалар тўпламидир. Мазкур тўпламда 325дан ортиқ маълумотномалар, видео ва расмларга эга бўлган 13000дан зиёд мақолалар мавжуд. Мақолалар шарҳланиб, босма шакли чиқмасдан олдин, онлайн нашр этилиши боис олимлар муайян соҳадаги энг сўнгги ютуқлар билан тез танишиб чиқишлари мумкин.

Фан соҳалари: Бизнес ва бошқарув, Адабиёт, Иқтисод ва молия, Мусиқа, Тарих, Фалсафа, Ҳуқуқ, Сиёсатшунослик, Тилшунослик, Психология.

*Oxford Reference*- бу 24 йўналиш бўйича 2 миллиондан ортиқ рақамлаштирилган мақолалардан иборат бўлган Оксфорд университетининг маълумотнома нашри ҳисобланади. Унинг таркибига шарҳланган мақолалар, тематик ҳаволалар, иқтибослар, инглизча луғатлар, икки тилли луғатлар каби бўлимлар киритилган.

*Oxford Scholarship Online (OSO)* – бу 10 000дан зиёд илмий ишлардан ва 170 000 расмлардан эркин фойдаланиш имкониятини берадиган кенг қўламли ва доимий равишда янгиланадиган кутубхонадир. Гуманитар, ижтимоий ва табиий фанлар, тиббиёт ва ҳуқуқ бўйича 20та фан модулларини ўз ичига олган. Бу ерда 8 900 муаллифларнинг нашрлари мавжуд. Муаллифлар рўйхати классиклардан бошлаб замонавий муаллифларгача фарқ қилиб, нобел мукофоти совиридорлари ҳам шулар жумласига қиради.

Оксфорд луғати(*Oxford English Dictionary*)–600000та замонавий ва эскирган сўзларнинг талаффузи, маъноси ва тарихи бўйича қўлланма ҳисобланади. Бу ерда 3 миллион иқтибослар тақдим этилиб, шунингдек инглизча нутқнинг 1000 йиллик ҳаёт даври мобайнида инглиз тилининг ва айрим инглиз сўзларнинг тарихи акс эттирилган тезаурусдан (луғат) эркин фойдаланиш имконияти мавжуд. *Oxford English Dictionary* нинг хронологик вақт қўламлари муайян сўзларнинг мавзуга, минтақага ёки келиб чиқишига қараб инглиз тилида қачон пайдо бўлганларини аниқлашга ёрдам беради. Бир йилда тўрт маротаба янги ва кўриб чиқилган сўз маънолари билан тўлдирилади.

*Grove Art Online* – жаҳон санъатига бағишланган илмий энциклопедия бўлиб, фовизм, Фрида Кало каби турли мавзуларга доир мақолалардан ва тадқиқотни чуқурлаштиришга имкон берувчи библиографик маълумотлардан иборат. 500 000дан зиёд библиографик ҳаволалар, 45000 муаллифлик мақолалар, 6000 тасвирлар, 21000 рассомларнинг, архитекторларнинг, ҳомийларнинг, коллекторларнинг, галеристларнинг, назариётчиларнинг, ёзувчиларнинг, олимларнинг ва ҳ.к.биографиялари мавжуд.

*Grove Music Online* – мусиқашунослар учун етакчи онлайн – реурс ҳисобланади. *Oxford Dictionary of Music*, *Oxford Companion to Music*, *Encyclopaedia of Popular Music* каби ресурсларни, 50 000 мақолаларни, 30 000 биографияларни ўз ичига олади. Дунёдаги турли давлатларнинг 6 000 тадқиқотчилари мазкур соҳадаги ахборот билан тез танишиш имкониятини берадилар. Буерда *Sibelius* дастури асосида яратилган 500дан зиёд мусиқий намуналар орқали турли мусиқий йўналишлар ва бастакорлар (хабанердан тортиб Генделгача) ҳақида тушунчага эга бўлиш мумкин.

*Oxford Medicine Online* – 85та тиббиёт соҳаларини ўз ичига олган онлайн-ресурслар тўпламидир. Мазкур ресурс мунтазам равишда янгиланиб, 700та нашрлар, 40000та расмлар, графиклар ва диаграммалар, 750та видеоматериаллар, шунингдек тиббиёт ходимларининг билим даражаларини тест тошириқлари ёрдамида текширишга мўлжалланган вазифаларни ўз ичига олган.


*Oxford Law Online* – Оксфорд университетининг ҳуқуқ соҳасига доир барча ресурсларни бирлаштирувчи ягона ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. *Investment Claims* – мазкур ресурс ҳакамлик ва ҳалқаро инвестицион ҳуқуқ соҳасини ўрганиш учун мўлжалланган материаллар ва тақризлар тўпламидир. *Oxford Reports on International Law* – ҳалқаро ижтимоий ҳуқуқ соҳасидаги ҳалқаро, миллий ва махсус арбитраж (третейский) судлар томонидан қабул қилинган қарорлар тўплами ҳисобланади. *Max Planck Encyclopedia of Public International Law* – таҳлилий ресурс бўлиб, ҳалқаро ижтимоий ҳуқуқнинг барча жиҳатлари бўйича тақриз қилинган мақолаларни ўз ичига олган.

## 4.2. SPRINGER NATURE

Springer компанияси тиббий ва илмий-техникавий адабиётлар бўйича етакчи жаҳон нашриётлардан бири ҳисобланади. Компания дунё бўйлаб 40дан зиёд офислар ва 8 500 та ходимларга эга бўлиб, унинг бундай географик қамрови жаҳон илмий ҳамжамияти ўртасида нашриётнинг муҳимлигини ва машҳурлигини исботлайди. Компания 1846 йилда ташкил топиб, жадал суръатлар билан ривожланди ва университетлар, илмий ва тиббий ташкилотлар орасида кенг танилди. Ҳар йили Springer нашриёти қўйидаги ихтисослашган соҳалар бўйича 2900дан зиёд журналларни ва 200 000та китобларни чоп этади:

- Табиий фанлар
- Энергетика
- Иқтисод
- Муҳандислик
- Биотиббиёт
- Бизнес ва бошқарув
- Ижтимоий фанлар
- Кимё
- Компьютер фанлари
- География ва Ер ҳақидаги фанлар
- Таълим ва тилшунослик
- Экология ва атроф муҳит
- Озиқ-овқат саноати
- Давлат ва ҳуқуқ
- Материаллар ҳақидаги фан
- Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш
- Фалсафа
- Амалий фанлар (математика, физика, биология)
- Психология
- Статистика
- Астрономия
- Қишлоқ хўжалиги

**SPRINGERLINK** платформаси–бу улкан тармоқли платформа бўлиб, қўлланмаларнинг, маълумотлар базаларининг, электрон китобларнинг, журналларнинг ва кўрсаткичларнинг тўлиқ тўпламидаги 9 000 000дан зиёд маълумотлардан эркин ва осон фойдаланиш имкониятини тақдим этади. Ушбу база 550 000 мақолаларни, 500 000 маълумотномаларни, лаборатория тадқиқотлари учун 40 000 протоколларни ўз ичига олади. Ҳар йили 7000дан ортиқ янги электрон китоблар ва 2000та қўлланмалар қўшилиб, ҳар ойда эса 12 000дан зиёд журнал мақолалари киритилади.



### SpringerLink платформасининг кўриниши

**SPRINGERMATERIALS** маълумотлар базаси – дунёдаги энг йирик физикавий ва кимёвий маълумотлар манбаси ҳисобланади. Минглаб мутахассислар томонидан текширилиб тўпланган ва киритилган моддалар ҳақидаги маълумотларнинг улкан жаҳон манбаси бўлиб, 91 00 тармоқ ҳужжатларни, 1 000 000дан ортиқ илмий ҳаволаларни, 165 000дан зиёд моддалар, аралашмалар ва 3 000 хусусиятлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган. Мазкур база доимий равишда сўнгги маълумотлар билан тўлдирилиб, янгиланади ва қуйидаги билим соҳаларини қамраб олади:

- Атом ядроси ва заррачалари;
- Молекулалар ва радикаллар;
- Электрон тузилмалар ва транспорт;
- Магнетизм;
- Кристаллография;
- Термодинамика;
- Кўп босқичли тизимлар;
- Истиқболли материаллар;
- Астрофизика ва геофизика.

**Springer Open** – 500дан зиёд илмий журналлардан ва 20та илмий китоблардан эркин фойдаланиш имкониятини берадиган манба ҳисобланади. Барча ресурслар етакчи мутахассислар томонидан тақриз қилинган. Кўплаб нашриётлар билан ҳамкорликда ишлаётганлиги боис, Springer Open илмий ходимларга барча фан соҳалари бўйича мақолаларни чоп этиш имкониятини тақдим этади.

**BioMedCentral** – илмий - техникавий ва тиббий соҳалар бўйича 291та тақриз қилинган журналларни чоп этади ва биология, тиббиёт ва биотиббиётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Чоп этилгандан кейин барча журналлардан эркин фойдаланиш мумкин.

**Chemistry Central** –Springer Science and Business Media компаниясининг эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлган кимёвий фанлар бўйича платформаси бўлиб, қуйидаги журналларни чоп этади:

- Applied Petrochemical Research
- Bioresources and Bioprocessing
- Biotechnology for Biofuels
- BMC Biotechnology
- International Journal of Food Contamination
- International Journal of Industrial Chemistry
- Journal of Analytical Science and Technology
- Journal of Nanobiotechnology
- Journal of Nanostructure in Chemistry

2016 йилдан бошлаб Springer компанияси ўз фаолиятини Nature нашриёти билан олиб боради.

**Nature Publishing Group (NPG)** нашриёти –биология, кимё, тиббиёт, биотиббиёт, атроф муҳит, физика ва материалшунослик соҳалари бўйича энг илғор нашритёлардан бири ҳисобланади. Жаҳон илмий ҳамжамиятида NPG нашриёти табиий фанлар соҳасида ахборот ресурсларни таъминлаш бўйича энг ишончли ва юқори сифатли ҳамкор деб тан олинган. Мазур компаниянинг номи Nature American ва Macmillan Publishers Limited иккита йирик компанияларнинг бирлашиши натижасида ҳосил бўлган.

Компания узоқ тарихга эга. 1869 йилда Томас Генри Хаксли ва Норман Локьер асртофизик олимлари Александр Макмилланни «Общий научный журнал» - “Умумий илмий журнал”ни нашр этишга ишонтиришди. Кейинчалик, House of Macmillan нашриёти Nature номли тасвири ҳафталик илмий нашрни чоп этди. 1897 йили журнал Джозеф Томпсон томонидан электронни кашф этилиши ҳақида илк бора қайд этди. Шундан бери табиий фанлар бўйича энг муҳим илмий кашфиётлар дастлаб шу нашриётда чоп этилади. Ҳозирги кунда нашриёт 120 га яқин илмий ҳамжамиятлар билан биргаликдаги ва шахсий журналларини нашр қилади. Nature йиллик юқори импакт-фактор эга бўлган энг машҳур ҳалқаро илмий ҳафталик журнал ҳисобланади. Барча даврлардаги 100та энг яхши илмий журналлар қаторига кирган. Бу журнал барча фан соҳаларига ва техногияларга доир юқори тақриз қилинган тадқиқотларни ўзига ҳослиги, муҳимлиги, долзарблиги ва очиклиги асосида нашр қилади. Журнал барча таълимий маълумотлар базаларида индекслаштирилади (кўрсаткичлар билан белгиланади). Унинг онлайн архиви 1869 йилдан бошлаб юритилади. Журнални ўзига хос хусусиятлари бор:

-Nature Podcast, NatureVideo каби журналга бириктирилган мультимедиа воситалар

-Бир неча йиллар давомида мақолалар машҳурлигини пасайишининг олдини оладиган Nature Insights, Nature Specials, Nature Outlooks кабилардан эркин фойдаланиш.

Журналнинг электрон архиви 4та даврий қисмлардан иборат.

**Scientific American** – 165 йиллик тарихга эга бўлган энг оммабоп илмий журналлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, етакчи мутахассислар ва Нобел мукофотининг совириндорлари, ҳамда дунёда илм-фан ва технологияларнинг ривожланиши ҳақидаги янгиликларни биринчи бўлиб чоп этади. **Scientific American mind** – инсон генетикаси ҳақидаги ойлик журнал бўлиб, **Scientific American** журналининг иловаси ҳисобланади.

Мазкур журнал MEDLINE, Scopus, Web of Science, Google Scholar ва шу каби табиий фанларга оид маълумотлар базаларида индекслаштирилган (кўрсаткичлар билан белгиланган).


Журналнинг электрон архиви 4та даврий қисмларга ажратилган.

### 4.3.CAMBRIDGE UNIVERSITY PRESS

**Cambridge University Press** – 1534 йилда ташкил топган нуфузли университет нашриёти ҳисобланади. Махсус билим соҳалари: тилшунослик, иқтисод, молия, бошқарув, социология, психология, ҳуқуқшунослик ва санъат бўйича илмий ва ўқув адабиётни тақдим этади. Нашриёт фонди илмий тадқиқотларни, касбий ривожланишни, 350дан зиёд илмий журналларни ва мактаб ўқувчилари учун таълимий ресурсларни қамраб олган 50000та номларни ўз ичига олган.

Мавзули базалар:

**Cambridge Journals Online** – 25та фан соҳалари бўйича электрон журналларнинг тўплами ҳисобланади. Ҳар йили 300дан зиёд тақриз қилинган ва сўнгги илмий тадқиқотларни ўз ичига олган илмий журналларни нашр қилади.



**Cambridge Books Online** - гуманитар фанлар, ижтимоий фанлар, илм-фан ва технологиялар, тиббиёт, инглиз тилини ўрганиш каби фан соҳаларига доир минглаб электрон китоблардан фойдаланиш имкониятини беради.



**Cambridge Law Reports** –ҳуқуқшунослик бўйича асосий докладлардан, шу жумладан Ҳуқуқшуносликка оид Ҳалқаро Докладлардан ҳам тез ва қулай фойдаланиш имкониятини тақдим этади.




**Cambridge Companions Online** – ёзувчилар, файласуфлар ва бастакорлар биографияларининг, адабий асарларнинг ва санъатдаги тарихий даврларнинг аннотациялари бўйича илғор тўплам ҳисобланади.



**Cambridge Histories Online** – дунё тарихининг турли даврларига оид реурслардан фойдаланиш имкониятини берадиган ноёб маълумотнома тўплами ҳисобланади. Бу тўпламга қуйидаги мавзули бўлимлар қиради: АҚШ тарихи, Буюк Британия тарихи, Иқтисод тарихи, Умумий тарих, Илм-фан тарихи, Китоб тарихи, Тилшунослик, Мусиқа, Адабиёт, Фалсафа, Сиёсатшунослик, Минтақавий тарих, Театр.



**Shakespeare Survey Online** – бу тўплам буюк инглиз ёзувчиси Вильям Шекспирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун мўлжалланган. Ёзувчининг ҳаёти ва ижодига доир тадқиқотлар 1948 йилда бошланиб, вақт ўтиши билан улар Cambridge University Press нашриётининг ягона тўпламига кирди.



**University Publishing Online** – Cambridge University Press компанияси бошқа нуфузли университетларнинг нашриётлари билан ҳамкорликда дунё бўйлаб энг яхши илмий ишларни бир тўпламда жамлайди. Бунга қуйидаги нашриётларнинг ишлари қиради: Emirates Center of

Strategic Studies and Research, American Mathematical Association, Edinburgh University Press, Liverpool University Press, Royal Economic Society, Acumen Publishing, The University of Adelaide, Boydell & Brewer, Anthem Press ва бошқалар.

## UNIVERSITY PUBLISHING ONLINE

Global Scholarship Redefined

[Home](#) | [About Us](#) | [Partner Presses](#) | [FAQ](#) | [Help](#) | [For Librarians](#)

**Search**

[» Advanced Search](#)